# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 4 апрель, № 65 (7295) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## БЕШТА ТАШАББУС БЎЙИЧА ДАСТУРЛАР ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 апрель куни ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.*

Аввал хабар қилинганидек, 19 март куни бу борада видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, бирламчи вазифалар белгилаб берилган эди. Уларга мувофиқ, ҳар бир ташаббус бўйича чора-тадбирлар дастурлари лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Йиғилишда мазкур дастурларга киритилган таклифлар, уларни амалга ошириш механизмлари муҳокама қилинди.

Хусусан, биринчи ташаббус бўйича ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этишга оид дастур лойиҳаси тайёрланган. Унга мувофиқ, 2019-2020 йилларда 14 дан 30 ёшгача бўлган 2 миллион нафар ёшни маданият ва санъат соҳасига жалб этиш бўйича ҳудудий "йўл харита"ларини тасдиқлаш кўзда тутилган. Шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактабларида қўшимча синфлар, маданият марказларида чолғу, хонандалик, тасвирий санъат тўгараклари, ҳаваскорлик театр жамоалари ва болалар ансамблларини ташкил этиш белгиланган. Янгидан қуриладиган, реконструкция ва капитал таъмирланадиган ҳамда жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхати ҳам шакллантирилган.

Давлатимиз раҳбари дастур лойиҳасида тадбирларни амалга ошириш механизмлари етарли эмаслиги, ҳар бир шаҳар ва туманга ижодий маслаҳатчи сифатида бириктирилган соҳа намояндаларининг амалий вазифалари аниқ белгиланмаганини қайд этди. Ҳудудий "йўл харита"лари ижросини тизимли ташкил этиш, тўгарак ва синфларга қамраб олинган болаларни рағбатлантириш, жумладан, турли танловлар ўтказиш зарурлигини таъкидлади.

Белгиланган қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари, шунингдек, маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактабларини зарур чолғу асбоблари билан таъминлаш учун тегишли маблағ ажратиш бўйича топшириқ берилди.

Иккинчи ташаббус юзасидан тайёрланган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, спорт иншоотлари қувватини оширишга қаратилган дастур лойиҳасида яқин 2 йилда ҳар бир туманда енгил конструкцияли, сендвич панелли кичик спорт заллари қуриш белгиланган.

Президентимиз мавжуд ва янги қуриладиган спорт иншоотларига аҳоли ва ёшларни кенг жалб этиш, оммавий спорт тадбирларини ўтказишни янада кўпайтириш кераклигини таъкидлади.

Учинчи ташаббусга мувофиқ, аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш чора-тадбирларига оид дастур лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унда 2019-2020 йилларда туман ва шаҳарларда рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этиш ва уларда бепул таълим бериш, 19 мингга яқин ижтимоий соҳа объектларини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш кўзда тутилган.

Йиғилишда аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш, ахборот технологияларига қизиққан болаларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ва малакали мутахассис даражасига олиб чиқиш, дастурий маҳсулотлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш чора-тадбирлар дастури лойиҳаси тўртинчи ташаббус мақсадларини амалга оширишга қаратилган. Унга кўра, ҳар бир ҳудудга 1 миллион донадан бадиий, тарихий, илмий, оммабоп мавзулардаги китоблар етказиб бериш кўзда тутилган. Шунингдек, ахборот-кутубхона марказларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, тадбиркорлар томонидан халқ кутубхоналари очиш ҳам белгиланган.

Бешинчи ташаббус бўйича ҳудудларда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари дастури лойиҳаси тайёрланган. 2019-2020 йилларда ҳар бир туманда енгил конструкцияли тикув-трикотаж корхоналарини қуриш ва аёллар учун иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда ушбу корхоналарни пухта ҳисоб-китоб асосида ташкил этиш, уларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бозорини, яъни аниқ харидорини топиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахборотлари эшитилиб, дастурлар лойиҳаларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## АҲОЛИ МУАММОЛАРИ БИЛАН ИШЛАШДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ МАВҚЕИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фуқароларимизнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш бўйича олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширишда жамиятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Маҳалла жамиятда тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, оилалар жипслигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этишда халқимизга энг яқин ижтимоий тузилма ҳисобланади.

Шу билан бирга, фуқаролар йиғинларининг уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини аниқлаб, оғирини енгил қилиш борасида давлат идоралари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари (кейинги ўринларда Халқ қабулхоналари деб юритилади) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда — секторлар) билан ҳамкорлигини кучайтириш, моддий-техника таъминотини яхшилаш ҳамда соҳа ходимлари меҳнатини муносиб баҳолаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилмоқда.

Маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш, фуқаролар йиғинлари ишини ташкил этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш, соҳага малакали, бой ҳаётий тажрибага эга ва фидойи кадрларни жалб этиш мақсадида:

1. Мурожаатлар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича "**маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла**" принципи асосида ҳамкорлик тизими жорий қилиниб, қуйидагилар мазкур тизимнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали **муаммоларни аниқлаш ва ҳамкорликда бартараф этиш** чораларини кўриш, **таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш**;

ҳар чоракда жамоатчилик назоратининг натижалари, аниқланган муаммолар тўғрисида умумлашган маълумотлар, шунингдек, тегишли мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш бўйича таклифларни **халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида муҳокама қилиш** учун киритиш;

аниқланган муаммоларни умумлаштириш ҳамда ҳал этиш мақсадида **электрон ахборот алмашиш тизимини жорий этиш**;

жойларда **ижтимоий-иқтисодий дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиш** ва уларнинг ижросини таъминлашда тизимли ҳамкорликни ўрнатиш.

2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда — Республика кенгаши), Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг:

фуқаролар йиғини ҳузуридаги жамоатчилик комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида жамоатчилик асосида **фуқаролар йиғини раиси ўринбосари — ижтимоий ва маънавий-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчи** ҳамда **фуқаролар йиғини раиси ўринбосари — тадбиркорлик, томорқа ер эгалари фаолиятига кўмаклашиш ва ободонлаштириш ишлари бўйича маслаҳатчи** лавозимларини жорий этиш;

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## КИМЁ САНОАТИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА УНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда кимё саноати корхоналарини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва уларнинг фаолиятини барқарорлаштириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, углеводород хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш бўйича янги қувватларни барпо этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали тармоқни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб бериш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, кимё саноатини жадал ривожлантириш ва диверсификация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалда рўёбга чиқариш, энг аввало, давлат активларини хусусий мулкка сотиш ҳисобига корхоналардаги давлат улушини қисқартириш, корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этиш ҳамда корхоналарнинг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш орқали тармоқнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Кимё саноатини янада ривожлантириш, унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва тармоқни диверсификация қилишга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмларини кенгайтириш мақсадида:

1. "Ўзкимёсаноат" АЖнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда оптималлаштирилган ва янги истиқболли лойиҳалар билан тўлдирилган, ҳисобланган қиймати **12,1 миллиард** АҚШ долларига тенг, шу жумладан, **1,7 миллиард** АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига **31** та инвестиция лойиҳасини амалга оширишни назарда тутувчи ҳамда қуйидагиларга қаратилган **2019 — 2030 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури** 1-иловага мувофиқ маъқуллансин:

**азотли, фосфорли, калийли ва мураккаб минерал ўғитларни**, шу жумладан, ушбу маҳсулотларни "Навоийазот" АЖ, "Самарқандкимё" АЖ, "Фарғонаазот" АЖ, "Қўқон суперфосфат заводи" АЖ, "Аммофос-Максам" АЖ, "Деҳқонобод калий заводи" МЧЖ негизида, шунингдек, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳри ва Навоий вилоятининг Томди туманида ишлаб чиқариш бўйича амалдаги қувватларни модернизация қилиш, кенгайтириш ҳамда энергия жиҳатидан самарадор янги қувватларни барпо этиш;

"Ўзбекнефтгаз" АЖ билан биргаликда ва етакчи хорижий компаниялар иштирокида ҳамда илғор технологиялар ва замонавий инновацион ишланмаларни қўллаган ҳолда **полимер маҳсулотлари**, шу жумладан, полиэтилентерефталат (ПЭТ), поливинилхлорид (ПВХ), синтетик каучук, полистирол, полиуретан, полиол, акрилонитрил-бутадиен-стирол (АБС) пластик, полиакрилонитрил (ПАН) маҳсулотларини чиқариш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

тармоқ корхоналарининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини, уларнинг негизида иқтисодиёт тармоқларида талаб этилаётган **кимёвий маҳсулотларнинг янги турларини,** шу жумладан, меламин, метиламин, формальдегидли, карбамид-формальдегидли ва меламин-формальдегидли сақичлар, этилацетат, озуқа тузи, натрий бикарбонати, хлор-сирка кислотаси, натрий нитрати, бутилацетат, тринатрий фосфат, нитроцеллюлоза, металлургия, нефть-газ ва тўқимачилик саноатлари учун реагентлар, катализаторлар ва кимёвий қўшилмалар, шунингдек, полимер фитинглар, биаксил йўналтирилган полипропилен плёнкаси (БОПП), ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ва уларни ишлаб чиқариш учун амалдаги моддаларни чиқариш бўйича ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш.

(Давоми 2-бетда).

## «Ўзбекистон қуёш нурини фойдали энергияга айлантириш учун қулай заминдир»

*Хориж оммавий ахборот воситалари ва кузатувчиларининг фикрича, Ўзбекистон қуёш энергиясини ривожлантириш бўйича улкан салоҳиятга эга. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар ушбу салоҳиятдан янада самарали фойдаланиб, мамлакатни муқобил энергетика бўйича етакчилар сафига олиб чиқишга замин яратади.*



### Дунё нигоҳида

Хусусан, Хитойнинг тадбиркорлар учун мўлжалланган **"China Economic Net" портали**да жойлаштирилган мақолада қайд этилишича, Ўзбекистон учун қуёш энергетикаси энг истиқболли соҳалардан бири саналади. Чунки мамлакатда йилнинг 320 куни қуёшли бўлиб, айни шу жиҳат ҳам бу борадаги имкониятни яққол ифодалайди.

Юртимизда қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш борасида муайян тажриба тўпланиб, хорижий давлатлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилаётгани таъкидланади.

Ушбу мавзуни давом эттирар экан, **"Синьхуа" ахборот агентлиги** Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, миллий иқтисодиётга энергия тежовчи жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни жорий қилиш, қуёш, шамол энергияси, микро ва кичик гидроэлектростанциялардан фойдаланишнинг синовдан ўтган технологияларини ишлаб чиқиш устувор вазифалар сифатида белгиланганига урғу беради.

Агентлик бу борада юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган амалий чора-тадбирларни юқори баҳолайди. Жумладан, чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда Орол денгизи ва Оролбўйи ҳудудида тегишли лойиҳалар бошлаб юборилгани эътироф этилади. Шу билан бирга, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва БААнинг "AIDA" компанияси ўртасида қишлоқ хўжалиги объектларини қувватлаш учун автоном қуёш электр станцияларини ташкил этиш тўғрисида шартнома имзолангани алоҳида кўрсатиб ўтилади. "Лойиҳанинг дастлабки босқичи доирасида муқобил микроэлектр станциялар қуриш параметрларини аниқлаш мақсадида компания вакиллари Ўзбекистонга ташриф буюриши кутилмоқда", деб ёзади хитойлик журналистлар.

**Ҳиндистоннинг "Times of Central Asia" таҳлилий журнали** шарҳловчиларининг фикрича, қадим замонлардаёқ деҳқончилик ривожланган, турли ўсимлик ва экинлар етиштириладиган серқуёш юрт сифатида танилган ўзбек замини офтоб нурини фойдали энергияга айлантириш учун қулай жойдир. Айниқса, мамлакатда сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар учун қуёш панеллари ва батареялари ишлаб чиқарадиган корхоналар бунёд этиш учун қулай шарт-шароит яратилмоқда.

Масалан, ўтган йили Тошкент вилоятида шундай корхона фаолият бошлади, дейилади журналда. Бундай панеллардан пойтахт ва вилоятлардаги биноларнинг ташқи томонини жиҳозлаш, аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар ва ижтимоий соҳа объектлари кенг фойдаланиши мумкин. Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида фотоэлектр станциялари учун инфратузилма таркибий қисмлари, зарур жамлама деталлар ва тармоқлар ишлаб чиқариш бўйича заводларнинг барпо этилиши эса "ягона ишлаб чиқариш занжири"ни яратиш имконини беради.

➡ 2

### Ҳукумат соати

## Йўллар равон бўлса, тараққиёт ҳам тезлашади

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилган навбатдаги "Ҳукумат соати"га қуйи палатадаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамкорлигида "Хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларининг ҳамда шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчалари мавжуд тармоқларининг бугунги ҳолати, уларни яхшилаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида"ги масала киритилди.*

Таъкидлаш жоизки, депутатларнинг ўз сайлов округларидаги учрашувлари давомида кенг аҳоли қатлами томонидан мунтазам кўтарилаётган оғриқли муаммолардан бири эканлиги мазкур масаланинг нақадар долзарблигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан "Ҳукумат соати"га қуйи палата депутатларига ахборот ҳамда саволларга атрофлича жавоб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Назаров таклиф этилди.

Дастлаб парламент вакиллари кўтарган масала юзасидан қўмита томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги "2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори йўл-транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳаёт фаолияти учун, айниқса, қишлоқ жойларда қулай шарт-шароитлар яратиш, ички йўлларнинг йўл қопламалари ҳолатини зарур даражага келтириш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлашга хизмат қилаётгани қайд этиб ўтилди. Шунингдек, Президентимизнинг "Обод қишлоқ" дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, ўтган 2018 йилда 417 та қишлоқдаги йўллар таъмирланиб, фойдаланишга топширилган.

Соҳада малакали кадрлар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини шакллантиришда, хорижий давлатларда талабалар амалиётини ташкил этиш, ўқув жараёнига илғор хорижий мутахассисларни жалб қилиш, қўшма адабиётлар чоп этиш масалаларини ривожлантириш ҳамда автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси жараёни, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, автомобиль ҳаракати оқимини самарали бошқаришда халқаро майдонда кенг фойдаланилаётган замонавий дастурий таъминотлар лицензияларини харид қилиш чоралари кўрилаётгани таъкидланди.

Депутатлар томонидан қўмита фаолиятига муносабат билдирилиб, жойлардаги муаммолар аниқ далил ва мисоллар билан келтириб ўтилди. Хусусан, йўлларнинг сифатсиз қурилиши аҳоли ёки давлатга нафақат иқтисодий зарар, балки бошқа талафотларни ҳам келтириб чиқармоқда. Йўл-транспорт ҳодисаларининг муайян қисми айнан йўлларнинг носозлиги туфайли содир бўлмоқда.

Шу билан бирга, йўлларнинг сифатли ва узоқ муддатли хизмат қилишини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги ҳам танқид остига олинди. Депутатлар йўл қурилишида зарур материаллар ва техниканинг етишмаслиги, ички йўлларда белгиланган меъёрдан ортиқ вазнга эга юк автомобилларининг ҳаракатланишини чеклаш, автомобиль йўлларини рисоладагидек ҳолга келтиришда давлат ва хусусий сектор муносабатларини ривожлантириш бўйича ишлар талаб даражасида эмаслигига эътироз билдирди.

Қизғин савол-жавоб, баҳс-мунозара руҳида кечган "Ҳукумат соати"да йўлларнинг бугунги ҳолати, уларни яхшилаш борасида қилинаётган ишларни жадаллаштириш, сифатини ошириш юзасидан Автомобиль йўллари қўмитасига тавсиялар берилди. Бу борада самарали парламент назоратини олиб боришга келишиб олинди.

Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан эса масаланинг долзарблиги, мавжуд камчилик ва муаммолар республикамизнинг ҳар бир ҳудудида мавжудлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирига парламент сўрови юбориш таклифи билдирилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

## Термизда Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши бўлиб ўтди

*Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода раҳбарлигида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг 6-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда икки давлат вазирлик ва идораларининг вакиллари иштирок этди.*

Очиқ ва конструктив руҳда ўтган мажлисда сўнгги йилларда икки қўшни мамлакат ўртасидаги яқин дўстлик, ҳамкорлик алоқалари янги босқичда ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойилларига асосланган Ўзбекистон — Тожикистон ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланиб бораётгани халқларимизнинг туб манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Шунга мувофиқ чегараларимиз очилди. Мамлакатларимиз ўртасида ҳаво, темир йўл ва йўналишли автобус қатновлари йўлга қўйилди. Савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар алоқалар янги босқичга кўтарилди. Икки қўшни давлат етакчи корхоналари ва ишбилармон доираларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигига хизмат қиладиган саноат кўргазмалари, бизнес форумлари ташкил этилди. Бу ишлар икки томонлама узоқ ҳамкорлик алоқаларини кенг йўлга қўйиб, товар алмашиш ҳажмининг ўсиб боришида муҳим ўрин тутмоқда. Буларнинг барчаси давлатларимиз раҳбарларининг яқин қўшничиликка асосланган юқори даражадаги фаол алоқалари самарасидир.

Тадбирда икки мамлакат Ҳукумат делегациялари томонидан Ҳукуматлараро комиссиянинг 5-йиғилиши давомида эришилган келишувларнинг амалий натижалари сарҳисоб қилинди.

Шунингдек, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика, маданий-гуманитар ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Мазкур йўналишлардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан тегишли келишув имзоланди.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири.**

## Маънавият, маданият ва санъат анжумани




*Бахшичилик — ноёб санъат. Халқ оғзаки ижоди намуналари, достон ва эпослар эл-юртимизнинг ўтмиши, қадим маданияти ҳамда юксак маънавиятидан дарак бериб туради.*

*Президентимиз ташаббуси билан 5 — 10 апрель кунлари Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ўтказилиши дунё бахшилари, фольклоршунослари, маданият ва санъат намояндаларини қадим Сурхон воҳасига чорламоқда. Халқимиз ҳам ушбу нуфузли санъат анжуманини катта иштиёқ ва интиқлик билан кутяпти.*

*Мухбирларимиз халқаро фестиваль арафасида соҳа вакиллари ва юртдошларимизнинг айримларидан дил сўзларини ёзиб олди.* 3-бетга қаранг.

## Хуш келибсан, Алпомиш!

*Қорли-аёзли қиш кечаси. Қарсиллаган қора тун дераза тирқишларидан сизиб, уй ичига ҳам кириб олгану осма чироқ нури етиб бормаган жойларга бекинган. Ҳали олови совимаган сандалга онам бошчилигида биз — болалар тўрт томондан кўрпа ичига оёқ суқиб олганмиз. Кимдир ўйга чўмиб, кимдир мудраб, мен ўзгача завқ билан халқона оҳангда ўқилаётган "Алпомиш"ни эшитмоқда.*

➡ 3

# Хуш келибсан, Алпомиш!



← 1

Бирин-кетин уйқуга кетамиз. Достондаги воқеалар, қаҳрамонликлар ширин-ширин тушларга кўчади... Қуйма сатрлар қулоқларимиз остида қолади: “Шомурти шохалаб ҳар ёққа кетган, Ичида чичқонлар болалаб ётган, Издан тушган пишак олтойда етган”, “Қурру-ё қур, ҳайт-а тўрамнинг оти, Оқтўшим — яйловинг, сочим — шипиртки”, “Бўшалса ўзади ўзбекнинг оти”, “Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини, Эси бор билади гапнинг тузини”...

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарорини ўқиганимда, аввало, хаёлимда ўша сирли тунлар, болалик хотиралари аниқ ва тиниқ намоён бўлди. Шундоқ кўчага чиқиб, шаҳар айлансам, Алпомиш ва Барчинойга дуч келиб қоладигандай энтикиб кетдим.

Аслида, бу рўё эмас, рост. Бунинг учун 5 — 10 апрель кунлари “ҳаё-ҳайт” деб Термизга от суриш лозим. Баҳорнинг ана шундай сўлим кунлари Термизга, бутун мамлакатимизга, ҳар биримизнинг хонадонимизга, қалбимизга бахшилар, оқинлар, жировлар, халфаларнинг бўғиз товушидаги бетакрор ижросида Алпомишлар, Барчинойлар, Гўрўғлилар, Авазхонлар, Кунтуғмишлар... кириб келмоқда.

Ҳей, бифодарлар, Алпомиш қайтди. У қайтгани боис буюк китоб қайтди. Бахшиларнинг кўкси тўлиб, достонлар қайтди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори, аввало, халқ оғзаки ижодининг дурдоналари бўлган достонларга ва бахшиларга юксак ҳурмат ҳамда эҳтиром намунаси. Шу билан бирга, бундай ноёб дурдоналарни авайлаб-асраш, кенг тарғиб қилиш. Энг муҳими, шу йўл билан буюк бойлигимизни ёш авлод хотирасига қайтариш. Миллат маънавиятини юксалтириш. Ва ниҳоят, ўнлаб халқларнинг ҳам маънавий мулкига айланган достонларни тарғиб этиш орқали миллатлар ўртасида дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш.

Ҳар қандай халқнинг илмий тафаккури даражасини олимлари яратган ихтиролар, кашфиётлар белгилайди. Ҳар қандай халқнинг маънавияти ва маданияти даражасини унинг адабиёти, санъати, жумладан, халқ оғзаки ижоди белгилайди. Халқ оғзаки ижоди, фольклори бой халқ — маънавияти юксак халқ. Биз бу борада фахрлансак арзийди. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир, Пўлкан шоирлар дўмбира чалиб, куйлаб ўтган бетакрор достончилик мактабимиз бор.

Достон айтган ва достон эшитган одам қалбига булбул қўнади, уни зоғлар ҳад қила олмайди. Достон эшитиб ўсган бола хотираси бутун, ўзи эса мард ва олижаноб бўлиб улғаяди.

*Эй, она халқим, ўзинг*
*меҳрибоним, мунисим,*
*Сўзки, сендан сўз демас,*
*кўнглима маҳрам эмас.*
*Не жавонмардлар ҳали*
*улғаюр бешигингда,*
*Чорласанг Алпомиш деб,*
*Ҳакимбеклар кам эмас!*

**Саъдулла ҲАКИМ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир.**

# Маънавият, маданият ва санъат анжумани

**Маҳмуд НАМОЗОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ артисти:**

— Ёшлигимиздан тўй-ҳашамлар, сайил ва маросимларда бахшилардан достонлар, турли термалар эшитиб катта бўлганмиз. Ўзимиз ҳам халқнинг оқинларига ҳавас қилиб дўмбира чертганмиз, фольклор намуналаридан ижро этишга ҳаракат қилганмиз. Мана шу истак ва интилишларимиз бизни санъат йўлига бошлаган, десам, хато бўлмас.

Юртбошимиз ушбу қадимий санъат турини кенг тарғиб қилиш, рағбатлантириш мақсадида халқаро даражадаги катта фестиваль ташкил этгани улкан тарихий воқеа бўлди. Бахши ва оқинларимизга ўзлигини, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун кенг майдон яратилди. Шу соҳада фаолият юритаётган бир санъаткор сифатида бундан кўксим



тоғдек кўтарилди. Йиллар давомида ушалмай келаётган орзуларимиз, истак-хоҳишларимиз рўёбга чиқди.

Халқимизда “Оққан дарё оқмай қолмас”, деган ҳикматли нақл бор. Туби теран, ўзанлари мустаҳкам қадим миллий санъатимиз энди яна дунёга кенг қулоч ёзади. Ўз қанотларида бутун дунёга эзгулик, маърифат, меҳр-оқибат уруғларидан илинади.

**Жанибек ПИЯЗОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси халқ жирови:**



— Инсон Ватан туйғусидан, киндик қони тўкилган масканидан қувват олиб улғаяди. Аждодлардан мерос қадриятлар эса ана шу туйғу янада юксалишига хизмат қилади.

Шу маънода, Президентимиз ташаббуси билан Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали ўтказилиши ана шундай буюк кучни қалбимизга индирди, руҳимизга қувват бағишлади.

Илк бор ўтказилаётган мазкур нуфузли тадбир замирида аждодларга эҳтиром, улар қолдирган беназир дурдоналарни асраб-авайлаш, ривожлантиришга интилишдек эзгулик мужассам.

Албатта, достонларимизни тинглаган, қисса ва термалар маъносини уққан ёшлар қалбида боболаримиздан фахрланиш ҳисси жўш уриши табиий. Зеро, уларда Ватанга садоқат, аждодлар қаҳрамонлиги, эзгу амаллар куйланади.

Шахсан ўзим юртимизда бўлиб ўтган “Бойсун баҳори”, “Алпомишнинг 1000 йиллиги” тадбирларида иштирок этиб, бунга чин дилдан амин бўлганман.

Ўлмас қадриятларимиз боқий яшасин!

**Шерван Арна бахши ЖУМА**
**(Афғонистон):**

— Термизда ўтказиладиган Халқаро бахшичилик санъати фестивалига таклиф этишганида бажонидил рози бўлдим. Ўзим асли Афғонистоннинг Бадғис вилоятиданман. Санъатга бўлган меҳрим, иштиёқим туфайли дастлаб Боло-Мурғоб уездидаги “Мурча” махсус мактабида, сўнгра Туркманистоннинг Ашхобод шаҳридаги мусиқа билим юртида таҳсил олиб, бахшилик санъати сирларини устозлардан ўзлаштирдим.

Халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлган қисса, достонлар ҳар бир миллатнинг ўзига хос фазилатларини, миллий анъана ва қадриятларини ифода этади. Юртингизда бўлгани каби Афғонистонда ҳам халқ бахшиларига алоҳида эҳтиром кўрсатилади. Аксар тўй-тантаналаримиз бахшиларсиз ўтмайди.

Айни пайтда Афғонистон туркманлари олий кенгашида фаолият олиб бориш билан бирга, туркман, ўзбек ва дарий тилларида мумтоз қўшиқ, достон, ашулаларни ижро этиб келмоқдаман. Ҳозирги кунга қадар Эрон Ислом Республикаси ва Туркманистонда ўтказилган мусиқий фестивалларда қатнашиб, мухлислар олқиши ва эътирофига сазовор бўлганимдан бахтиёрман.



Шуни алоҳида таъкидлашим жоизки, тарихи, маданияти, қадриятлари бир-бирига туташ ўзбек — афғон халқлари ўртасида ўзаро борди-келди алоқалари йўлга қўйилгани туфайли қўшни Ўзбекистонда ўтказилаётган санъат фестивалида қатнашишга муяссар бўлмоқдаман. Икки халқ ўртасидаги азалий дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланиб, янги босқичга кўтарилаётганидан жуда мамнунман. Термиз шаҳрига келиб, шаҳар ҳаёти билан яқиндан танишдим. Таассуротларим — бир олам. Ўйлайманки, дунё жамоатчилиги учун Термиз шаҳри келгусида бахшичилик санъати анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш бўйича ўзига хос таянч масканга айланади.

**Акбар ҚЎШАЛИ (Озарбайжон):**



— Халқаро бахшичилик санъати фестивали доирасида ўтказиладиган халқаро илмий-амалий конференцияда мен ҳам ўз маърузам билан қатнашаман. Юртингизда халқ оғзаки ижоди намунаси — достон айтувчилар “бахши” деб аталса, Озарбайжонда улар “ошиқлик” номи билан эл орасида ниҳоятда қадрланади. Ошиқлик анъанаси нафақат Озарбайжон, балки бутун туркий халқлар санъатининг энг қадимги ёдгорликларидан саналади. Улар доимо халқ билан ҳамнафас, ўзи яшаб турган ҳудуд, мамлакатнинг географик, ижтимоий-сиёсий, маданий ва илмий жиҳатларини тўла англаб етган санъат вакили сифатида эл-юртнинг орзу-армонлари, миллий хусусиятларини ўз достонларида куйлашган. Улар кишиларни яхшиликка бошлаб, ёмонликдан қайтарган.

Ошиқлик ижрочидан юксак иқтидор, жумладан, мусиқа назарияси, шеърият, тақлид санъати, рақс, пантомима, театр санъати ва етук педагогик маҳорат соҳиби бўлишни талаб этади. Кўп йиллик тадқиқотларим натижасида ушбу санъат турининг назарий ва амалий жиҳатларини пухта ўрганишга астойдил киришганман. Бу борада Термиз давлат университети ўқитувчи-профессорлари билан доимий ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Термизлик кўплаб олимларнинг бахшичилик санъати мавзуига оид маъруза матнларини озар тилига ўгириб, маҳаллий нашр ва ижтимоий тармоқларда эълон қилиб боряпман. Термизда ўтказилажак халқаро конференция дунё олимларининг бир даврада жамланиб, илмий баҳс-мунозара, фикр алмашишлари учун қулай имконият яратади, деган умиддаман. Зеро, туркий халқларнинг бахши-шоир ва ошиқларини мен халққа маърифат таратувчи, барчани Ватанни севиш, мардлик ва ҳалоллик каби инсоний фазилатларга етакловчи эзгулик куйчилари, деб биламан.

**«Халқ сўзи».**

Медиа-тур

## Шеробод бахшичилик мактаби асосчисига эҳтиром

*Халқаро бахшичилик санъати фестивали олдидан ўтказилган навбатдаги медиа-тур иштирокчилари Шерободдаги Имом Термизий ёдгорлик мажмуаси ҳамда ёдгорликка туташ қабристонда мангу қўним топган Шерна бахши (Шерназар) қабрини зиёрат қилишди. Унинг руҳига бағишлаб Қуръон тиловат қилинди.*

Шеробод бахшичилик мактабининг асосчиси Шерна бахши 1866 йилда Шеробод туманининг Азон қишлоғида таваллуд топган. У Умр шоир, Шотўра бахши, Мардонақул бахши, Боймурод бахши каби йигирмага яқин етук бахши-шоирларга устозлик қилган.

Ўзбекистон бахшичилик санъати равнақида Шеробод мактабининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ушбу мактаб вакиллари “Гўрўғли”, “Алпомиш”, “Рустамхон” туркумидаги достонларни куйлаш билан бирга, уни мазмунан бойитиш, халқ дилидан чуқур жой олишига муносиб ҳисса қўшишган.

**Илҳом РАҲМАТОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОНЛАР

ADB

## INVITATION FOR BIDS

Date: **4 April, 2019**
Loan No. and Title: **3527-UZB: Central Asia Regional Economic Cooperation (CAREC) Corridor 2 (Pap-Namangan-Andijan) Railway Electrification Project**
Contract No. and Title: P05: **Procurement of Machines for Railway Maintenance**
Deadline for Submission of Bids: **16 May, 2019, 14:30 (local time)**

**1.** The Republic of Uzbekistan has received for financing from the Asian Development Bank (ADB) toward the cost of **CAREC Corridor 2 (Pap-Namangan-Andijan) Railway Electrification Project**. Part of this financing will be used for payments under the contract named above. Bidding is open to Bidders from eligible source countries of ADB.

**2. The Joint-Stock Company "O'zbekiston Temir Yo'llari"** (the "Purchaser") now invites sealed bids from eligible bidders for Procurement of Machines for Railway Maintenance (Contract P05 "Goods), comprising two (2) divisible packages (the "Goods"):

(i) Lot 1 - Track Leveling, Tamping and Lining Machine (2 units)
(ii) Lot 2 - Railway car / Railway Motor Car for Contact System Maintenance (1 unit)

Details and specifications are provided in the Bidding Document.

**3.** Only eligible Bidders with the following key qualifications should participate in this bidding:
- the Bidder has successfully completed:
- For Lot 1: Minimum two contracts within the last 5 years each with a value of at least $3 million with a scope of supply similar to that specified in Section VI for Lot 1. Similarity in scope shall, at minimum, mean that contract scope included supply of the following items: Track Leveling, Tamping and Lining Machine.
- For Lot 2: Minimum two contracts within the last 5 years each with a value of at least $2 million with a scope of supply similar to that specified in Section VI for Lot 2. Similarity in scope shall, at minimum, mean that contract scope included supply of the following items: Railway car / Railway Motor Car for Contact System Maintenance.
- Submission of audited financial statements or, if not required by the law of the Bidder's country, other financial statements acceptable to the Purchaser, for the last 3 years to demonstrate the current soundness of the Bidder's financial position. As a minimum, the Bidder's net worth for the last year calculated as the difference between total assets and total liabilities should be positive (if the Bidder is a Joint-Venture, this criteria shall be met by each member of JV).
- Minimum average annual turnover of US$ 3M for Lot 1 and US$ 2M for Lot 2 calculated as total payments received by the Bidder for contracts completed or under execution over the last 3 years (if the Bidder is a Joint-Venture this criteria shall be met by all JV members combines, at least one partner shall meet at least 40% of this criteria and other partners shall meet, at least 25% of this criteria) for each Lot.
- For Lot 1: The Bidder shall demonstrate that the goods offered have been in production for at least 3 years, and been sold a minimum number of units of similar type and specification over the last three (3) years equal to the number specified in Section 6, Schedule of Supply, been in operation for a minimum of 3 years.
- For Lot 2: The Bidder shall demonstrate that the goods offered have been in production for at least 3 years, and been sold a minimum number of units of similar type and specification over the last three (3) years equal to the number specified in Section 6, Schedule of Supply, been in operation for a minimum of 3 years.

**4.** International competitive bidding will be conducted in accordance with the ADB's Single-Stage: One-Envelope bidding procedure and is open to all Bidders from eligible source countries, as stated in the Bidding Document.

**5.** Interested eligible bidders may obtain further information on the bidding and inspect the Bidding Document at the address given below from 09:00 to 18:00 hours starting from 4 April, 2019.

**6.** To obtain the bidding documents for the Contract "Procurement of Machines for Railway maintenance", in English, eligible bidders should request for delivery by sending a written application at the address indicated below.

**7.** Bidders shall submit their bids as follows:
- to the address below
- on or before the deadline: 14:30 hours (local time) on 16 May, 2019
- together with a Bid Security as specified/described in the Bidding Document

**8.** Bids will be opened immediately after the bid submission deadline in the presence of bidder's representatives who choose to attend at the address below at 15:00 on 16 May, 2019.

**9.** The JSC "O'zbekiston Temir Yo'llari" will not be responsible for any costs or expenses incurred by bidders in connection with the preparation or delivery of bids.

**10.** The address referred to above is:

**The JSC O'zbekiston Temir Yo'llari (Uzbek Railways UTY)**
**Attention: Mr A.M. Djuraev Head of PIU, Room 340**
**7 Shevchenko St, Tashkent 100060, Uzbekistan**
**Fax: 71-238-8449**
**Phone: 71-237-8710, 71-237-91-95**
**E-mail: utypiu@gmail.com, piue@railway.uz**

291-2R/194

ADB

## INVITATION FOR BIDS

Date: **4 April, 2019**
Loan No. and Title: **3527-UZB: Central Asia Regional Economic Cooperation (CAREC) Corridor 2 (Pap-Namangan-Andijan) Railway Electrification Project**
Contract No. and Title: P06: **Supply of equipment and materials for contact system**
Deadline for Submission of Bids: **16 May, 2019, 14:30 (local time)**

**1.** The Republic of Uzbekistan has received for financing from the Asian Development Bank (ADB) toward the cost of **CAREC Corridor 2 (Pap-Namangan-Andijan) Railway Electrification Project**. Part of this financing will be used for payments under the contract named above. Bidding is open to Bidders from eligible source countries of ADB.

**2. The Joint-Stock Company "O'zbekiston Temir Yo'llari"** (the "Purchaser") now invites sealed bids from eligible bidders for the Supply of equipment and materials for contact system (Contract P06 "Goods), (1) indivisible package (the "Goods"):

(i) messenger wire for contact system with the cross section of 95 $mm^2$;
(ii) bimetal steel-copper wire with the cross section of 4 $mm^2$;
(iii) sectional strain insulator;
(iv) fixing clip.

Details and specifications are provided in the Bidding Document.

**3.** Only eligible Bidders with the following key qualifications should participate in this bidding:
- the Bidder has successfully completed:
- Successful completion as main supplier within the last 3 years, of at least 2 contracts each valued at US$2M.
- The Bidder shall demonstrate that each of the goods offered have:
  (i) been in production for at least 2 years
  (ii) been sold a minimum number of units of similar type and specification over the last two (2) years
  (iii) been in operation for a minimum of 2 years
- Submission of audited financial statements or, if not required by the law of the Bidder's country, other financial statements acceptable to the Purchaser, for the last 3 years to demonstrate the current soundness of the Bidder's financial position. As a minimum, the Bidder's net worth for the last year calculated as the difference between total assets and total liabilities should be positive.
- Minimum average annual turnover of US$ 5 M calculated as total payments received by the Bidder for contracts completed or under execution over the last 3 years.

**4.** International competitive bidding will be conducted in accordance with the ADB's Single-Stage: One-Envelope bidding procedure and is open to all Bidders from eligible source countries, as stated in the Bidding Document.

**5.** Interested eligible bidders may obtain further information on the bidding and inspect the Bidding Document at the address given below from 09:00 to 18:00 hours starting from 4 April, 2019.

**6.** To obtain the bidding documents for the Contract Supply of equipment and materials for contact system, in English, eligible bidders should request for delivery by sending a written application at the address indicated below.

**7.** Bidders shall submit their bids as follows:
- to the address below
- on or before the deadline: 14:30 hours (local time) on 16 May, 2019
- together with a Bid Security as specified/described in the Bidding Document

**8.** Bids will be opened immediately after the bid submission deadline in the presence of bidder's representatives who choose to attend at the address below at 15:00 on 16 May 2019.

**9.** The JSC "O'zbekiston Temir Yo'llari" will not be responsible for any costs or expenses incurred by bidders in connection with the preparation or delivery of bids.

**10.** The address referred to above is:

**The JSC O'zbekiston Temir Yo'llari (Uzbek Railways UTY)**
**Attention: Mr. A.M. Djuraev Head of PIU, Room 340**
**7 Shevchenko St, Tashkent 100060 Uzbekistan**
**Fax: 71-238-8449**
**Phone: 71-237-8710, 71-237-9195**
**E-mail: utypiu@gmail.com, piue@railway.uz**

292-2R/194

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz
02

“Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки жамоаси ва Касаба уюшмаси қўмитаси банк тизими фахрийси

**Амир Сабирович ЗАКИРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАХМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 59 932 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Тошхўжаев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.35 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6